

## «ГУЛ ВА БҮЛБҮЛ»ДАН

(1740 йилда ёзилган)

Сабо чун гул харимиға улашти,  
Жаҳон оро жамолига етушти.

Деди: «Эй гул кезиб келдим жаҳонни,  
Таниб дунёда яхши, хам ёмонни.

Бор эркан даҳр аро бир маргзори,  
Чаманзори, ажойиб лолазори,

Етуштум эрса ногах бир гузарга,  
Ажойиб бир нимарса келди кўзга.

Суман бирла бинафша, боз сунбул,  
Буларга зор экан бечора булбул.

Таажжуబ килдиму турдум замони,  
Баногах бошлади булбул фигони.

Кошига бордиму, айдимки: «Булбул,  
Санга лойик эмас насрину сунбул.

Гули савсан булар янглиг чечак хам,  
Кира колмас булар учун ема гам».

Сени таъриф килдим ул чаманда,  
Баён эттим сифотинг анжуманда.

Сенинг ишқингда бўлди зор булбул,  
Ўзига вирд этиб айтур: «гулу гул».

Бу сўздин гул очилиб бўлди хандон,  
Нашоту аиш этарди бугу бўстон.

Сабо топди маҳални айтди: «Эй гул,  
Санга шеъри юборди хаста булбул».

Чу гул хандон бўлубон бетахаммул,  
Ажаб лутфи билан айтурки: «кул, кул».

Тузуб нагма билан савти амални,  
Сабо олдида кўйди бу газални.

Килиб таъсир гулга бу газалдин,  
Битибди шеър булбулга хавасдин.

### Гул булбулга айтгони

«Аё булбул тилар бўлсанг висолим,  
Сугоргил кўз ёшинг бирла нихолим,

Йирокдин килмогил сен ишкбози,  
Ёвук келгил кўрап бўлсанг жамолим.

Сенга маълум бўлмас анда туруб,  
Мени мундоглигим, хусну жамолим.

Ўзунгни килмагил расво, мени хам,  
Ки хаддин ошти, эй булбул, жамолим.

Жахон ичра грифторим тўладур,  
Вале тушти санга меҳру хаёлим».

### Гул сабони юбориб, булбулни келтургони

Гули хамро юборди ул сабони,  
«Олиб кел деб» гадои бенавони.

Бали, ишк ичра ошик бўлса содик,  
Бўлур маъшук ошик хам мувофик;

Сабо гул шеърина бунёд килди,  
Эшитти булбулу фарёд килди,

Туташти ўт ичига бенавони,  
Бошин кўйди аёгина сабони.

Деди: «Эй маҳрами рози нихоним,  
Етушти чикмага бу хаста жоним.

Мени дардимга эмди айла дармон,  
Гар ўлсам колмагай кўнглумда армон.

Сабо айдики: «Эй дил хаста булбул,  
Сени келсун деди кошимга ул гул».

Севинди булбулу парвоз килди,

Борурда бу газал огоз килди:

«Бихамдиллах агарчи зор бўлдум,  
Мухаббатдин борурда ёр бўлдум.

Кизил гул фуркатидин зор, ночор,  
Тонг откунча кеча бедор бўлдум.

Мени бечорайи махзуни мискин,  
Гаму дарду балога ёр бўлдум».

### **Булбулнинг гулга етушгони**

Чу булбул гул диёрига улашти,  
Тану жонига бошдин ўт туташти.

Келиб кўрди гулистон ичра булбул,  
Кўруб булбулни гул, очилди кокул.

Деди булбул ўшал дам: «Шукр лиллах,  
Ки бўлдум гулистошим бирла хамрах».

Хаёл этти кутулдум деб балодин.  
Гаму зулму ситамдин хам жафодин.

На билсун анда улким юз жафо бор,  
Батахсис улки, гулдур хамдами хор,

Гулистон ичра ногах кирди булбул,  
Тикан бирла икавлон ўлтурууб гул.

Тиканнинг дардига бечора колди,  
Бошини олдию овора бўлди.

Неча кун гулдин ул бегона бўлди,  
Чунон ишк ахлига афсона бўлди.

Яна бир гўшани кошона килди,  
Ўзини гам билан хамхона килди.

### **Булбул тикандин рашқ этгони**

Бўлуб рашкин тикандин булбули зор,  
Бу ердин кетти топти жони озор.

Неча кун кетти булбул гул кошидин,  
Тўкубон дурру маржон кўз ёшидин.

Учуб булбул неча кун килди парвоз,  
Куюб хажр ўтига бўлди хам огоз.

Жаҳонни чарх уруб кезди неча кун,  
Ададсиз дард ила хадсиз чекиб ун.

Неча кунлар юруб булбул килиб сайр,  
Чаманзори жаҳон ичра килиб тайр,

Баногах етти булбул бир чаманга,  
Келиб тушти гулистони суманга.

Назокат гуллару ишки печаклар,  
Гули зебою ранго-ранг чечаклар.

Гули раъною савсан бирла райхон,  
Гули насрин ила аббоси хандон,

Гулистони Эрамдек гул ва гулзор,  
Дегайсан боги жаннат турфа гулзор.

Мунунгдекдур кўрарсан боги жаннат,  
Бахоридурки, йўқтур анга захмат.

Чаман ичра кезиб сайради булбул,  
Чаманда гуллар ичра тушти гулгул.

Тамошо килди булбул бир гулистон,  
Чаманинг сахнини чун чархи гардон,

Кўруб гулларни булбул килди фарёд,  
Гулистони Эрамни айлади ёд.

Гули қахкахга булбул бўлди шайдо,  
Кулуб қах-қах карашма килди пайдо.

Жамолин кўрсатибон килди жилва,  
Гариб булбулга юз минг нозу ишва.

Лаби гунча очилиб урди қах-қах,  
Бу боисдин дедилар гули қах-қах,

Деди булбул кўзидин окузуб ёш,

Гули ках-ках аёгига кўюб бош:

— «Сўруб холимни раҳм эт, килма кўп ноз,  
Вале нозингга жон берсам таки оз.

Манга сен бўлмасанг, жоним керакмас,  
Сенингдур гулшану кўюнг манга бас,

Мени кўнгул хушум, сарви равоним,  
Жамолинг роҳату ороми жоним».

### **Сабо кизил гул кошига келгони**

Етиб келди сабо вакти сахаргах,  
Кизил гул кошида турди назаргах,

Кўтарди гул юзидин пардасини,  
Юборди хар тарафга гул сасини.

Очилди гул фарахнок ўлди ул дам,  
Жамоли бирла гулшан бўлди хуррам.

Сабони кўрди гул олдида турмуш,  
Адабдин гул оёгига бош урмуш,

Деди гул: «Эй сабо, сен кайда эрдинг?  
Неча кундур йўқ эрдинг эмди келдинг»?

Сабо аиди: «Юруб оламни кездим,  
Мухибларга мухаббат кандин эздим.

Юурдим bog аро чун бўлса гулзор,  
Очиб парда, килиб гулларни бедор».

Тавозузъ бирла гул олдида турди,  
Адаб бирла сабо булбулни сўрди:

— «Гулистон ахлининг сен подшохи,  
Жаҳоннинг гуллари санга сипохи.

Аё гуллар аро соҳиб жамолим,  
Жаҳон боги аро нозик нихолим.

Аё гуллар шаҳи сен, эй кизил гул,  
Каю ул ошикинг бечора булбул?

Каю ул булбули мискин навойинг?  
Юзунгга зор бўлган бенавойинг?

Жамолингга ажойиб ошик эрди,  
Мухаббат ичра ёри содик эрди.

Каю ул булбули саргашта ошик,  
Сенинг ишкингла бўлган хаста ошик?

Хўб эрди бўлса ул булбул кошингда,  
Хамиша соябон эрди бошингда.

Сахарлар дард бирлан сайран эрди,  
Нучук жони аро ишкинг бор эрди.

Хуш илхон булбулунг кетмиш кошингдин  
Кетибдур шаън ила шавкат бошингдин,

Магар билмам тикандин етти захмат,  
Ваё сен килдинг анга соз захмат?

### **Кизил гул сабога ахволини айтгони**

Деди гул: «Эй сабо, холимни айтай,  
Туман минг дард ила сирримни айтай.

Менинг ичимда юз минг дарду гам бор,  
Гамим айтурга менда йўқду гамхор.

Эшитгил, эй сабо, бирдам сўзумни,  
Ки, килсам пора-пора мен ўзумни.

Ки, эй боди сабо, хуш келдинг, эй ёр,  
Санга фош айлайн хар навъ асрор.

Манга булбул неча кун бўлди хамдам,  
Висолимни килиб дардига мархам.

На бўлди билмадим кетти кошимдин,  
Фироки кетмади харгиз бошимдин».

Деди гул: «Эй сабо, тангри учун бор,  
Кетур булбулни сен зинхор, зинхор,

Агар топсанг сабо махзун кулумни,

Олиб кел хамдам айлаб булбулумни».

Деди гул: «Эй сабо хайхот, хайхот,  
Топиб булбулни келтургил манга бот.

Чу булбул кеткали холим паришон,  
Жудоликдин юраким тах-батах кон.

Согиндим андалиби беновони,  
Топар ором кўнглум кўрсам они.

Будур холим мени, эй пайки маҳрам,  
Манга кил булбулумни ёр, маҳрам».

Деди: «Булбулки, кўнглум меҳрибони,  
Мухаббат гулшанининг комрони.

Бу гулшан сенсизин зиндан гамдур,  
Манга бергил келиб гамдин омони,

Чаманда сайр этиб харгиз жаҳонда  
Тополмайсан менингдек дилрабони».

### **Сабо булбул кошига боргони**

Чаманда бор эди бир яхши сунбул,  
Кўнуб шохига сайрап эрди булбул,

Сабо булбул кошига келди кўзлаб,  
Гахи чап чарх уруб, гах рост ўйнаб.

Кўзи булбул сари тушти баногох,  
Чекар булбул фигону нолау ох.

Кўруб булбул ани пайки сабо деб,  
Сабо бирла кўрушти:— Мархабо,— деб.

Сабо айдики: «Эй шўрида булбул,  
Олиб келгил деди ул нозанин гул,

Салом айди санга ул нозанин гул,  
Келиб кўрсун деди саргашта булбул.

Тутуб гул этагин килгил наво сен,  
Бу янглиг ёрда бўлма мубтало сен.

Ёмонлар сухбатида бўлма харгцз,  
Аларнинг сухбатидур фитна ангиз.

Эшит, ножинс бирла килма сухбат,  
Етар андин сенга кўп ранжу меҳнат.

Ёмонлар сухбатида турма, кочгил,  
Аларнинг сухбатидур захри котил,

Аё булбул, бўлур сухбат муассир,  
Ёмондин бўй олур бу нафси кофпр.

Ганимат бил неча кун сухбати гул,  
Етарсен максадингга, хаста булбул.

Неча кун кил кизил гул бирла сухбат,  
Топарсен бўсасидин юз мухабbat.

Сени гар этса ул гул бўсаси маст,  
Фигонингни баланд кил, килмогил паст.

Анинг олдида йиглаб сайрагайсен,  
Юракинг ишк ўтига додлагайсен.

На хуш сармоядур ошикка гиря,  
Сахарлар жўш урур хам сўз сина...

Кўзидин ишк или гар окузур ёш,  
Ажаб йўктурки маъшуки урап бош».

Сабо булбулга деди:— «Боракаллох,  
Бўлубсен ёр агёрига хамрох».

Деди булбул: «Аё эй махрами роз,  
Манга бўл, эй сабо, бир йўла дамсоз.

Келибсен ёрдин, эй пайки махрам,  
Жарохатлик ярога айла мархам,

Кулогинг сол эшитгил арзи холим,  
Бу кун ишк ўтига ўртанди жоним.

Эгам такдирига бордурму чора,  
Бу фуркат бирла багрим пора-пора.

Ишимдур хар чаманда нола килмок,

Юраким чок этиб паргола килмок.

Тиканнинг рашки килди зор сарсон,  
Тутубдур жоним ичра тах-батах кон.

Нечукдур боргоним гар бўлса ул хор,  
Жарохатлик ярога етса озор.

Менинг учун замони айласанг сабр,  
Санга сирримни айдим, сен эмас гайр.

Ададсиз дарддин мен бенавомен,  
Висолидин жудомен, бир гадомен.

Саломим бер, дегил булбул чаманда,  
Кизил гул зори ул байтул-хазанда»